

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Turon-Xojeli" AJ

Объявление

"TURON-XOJELI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

О ПРОВЕДЕНИИ ОСА

«Turon-Xojeli» AJ Кузатув кенгаши мажлисининг 2020 йил 26 майдаги 10-сонли баённомасига 3-илова

“Turon-Xojeli” AJ акциядорларининг навбатдаги йиллик хисобот умумий йиғилиши

ўтказилиши тўғрисида

ХАБАРНОМА

Хурматли акциядор, Қорақалпоғистон Республикаси, Хожели шаҳри, А.Палванова кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган, “Turon-Xojeli” AJ, Сизга 2020 йил 27 июнь куни соат 11:00 минутда Қорақалпоғистон Республикаси, Хожели шаҳри, А.Палванова кўчаси, 35-уй манзилида (жамият мажлислар залида) акциядорлик жамиятимиз акциядорларининг навбатдаги йиллик хисобот умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2020 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2020 йил 24 июнь куни соат соат 10:00 минутда бошланиб соат 11:00 минутгача давом этади.

Сизга умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

- 1) Жамият Бош директорининг 2019 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш тўғрисида;
- 2) Жамият 2019 йил якуни бўйича утказилган Корпоратив бошқарув натижаларини куриб чиқиш тўғрисида;
- 3) . “KKAUDIT-SERVIS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ҳамда “KKAUDIT-SERVIS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолиятини халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви ва хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида.
- 4) Жамиятнинг 2019 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида;
- 5) Жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида;
- 6) Жамиятнинг 2020 йилга бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида;

- 7) Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида;
- 8) Жамият тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш тўғрисида;
- 9) Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисида;
- 10) Жамиятнинг 2020 йил фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
- 11) Жамиятнинг ижроия органининг аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни ва ийрик битимларни мустақил амалга ошириш учун жамиятнинг жорий хужалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш ва уларнинг тузилишини маъқуллаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари (ахборотлари) билан Қорақалпоғистон Республикаси, Хужайли тумани, А.Палванова кўчаси, 35-уй манзилида жойлашган, “Turon-Хожели” АЖда танишишингиз мумкин.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома ва پاسпорти билан келишлари сўралади.

“Turon-Хожели” АЖ Кузатув кенгаши

03.06.2020

Источник: <http://openinfo.uz/ru/announce/8828/>

Дата: 01.12.2020